



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 08 | pp. 30-38 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Машарипова Хосият Матрасуловна

Мамун Университети НТМ

Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

Абстракт: Мақолада минтақа рақобатбардошлиги бўйича олимларнинг қарашлари умумлаштирилган. Шунингдек, улар асосида Хоразм вилояти иқтисодиётига оид кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Натижаларга мувофиқ, минтақа рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий-назарий таклифлар ишлаб чиқилган.

Абстракт: В статье обобщены взгляды ученых на региональную конкурентоспособность. Также на их основе были проанализированы показатели, связанные с экономикой Хорезмской области. По результатам разработаны научно-теоретические предложения по повышению конкурентоспособности региона.

Abstract: The article summarizes the views of scientists on regional competitiveness. Also, on their basis, indicators related to the economy of the Khorezm region were analyzed. Based on the results, scientific and theoretical proposals were developed to improve the competitiveness of the region.

Калит сўзлар: минтақа; рақобатбардошлик; ялпи ҳудудий маҳсулот; салоҳият; ташқи муҳит; аҳоли турмуш даражаси; Хоразм вилояти.

Ключевые слова: регион; конкурентоспособность; валовой региональный продукт; потенциал; внешняя среда; уровень жизни населения; Хорезмская область.

Key words: region; competitiveness; gross regional product; potential; external environment; standard of living of the population; Khorezm region.

Рақобатбардошлик асосий иқтисодий тушунча бўлиб, маҳсулот, корхона, соҳа, тармоқ, минтақа ва мамлакат даражасида ўрганилади. Мазкур тушунчани минтақа даражасида тадқиқ қилиш муҳим бўлиб, мамлакат иқтисодиёти яхлитлиги ҳамда унинг барқарорлиги кўп жиҳатдан ҳудудлар ривожига боғлиқ. Шу боисдан минтақа рақобатбардошлигини ўрганиш, уни ошириш билан боғлиқ изланишларни амалга ошириш муҳим саналади.


Рақобатбардошлик, унинг минтақа ва мамлакат даражасидаги талқиқни классик иқтисодчилар ишида тўғридан-тўғри қўлланилган бўлмасада, рақобат тушунчасига тўхталиб ўтилган. Жумладан, А.Смит, Д.Рикардо, Й.Шумпетер каби иқтисодчилар ўз ишларида рақобат бўйича изланишлар олиб. Шундай бўлсада, улар айнан рақобатбардошлик масаласига тўхталишган бўлмасаларда, мазкур

тушунчага оид жиҳатларни мамлакатга тегишлилиги бўйича қараб ўтганлар. Жумладан, А.Смитнинг мутлоқ устунлик назарияси ёки Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси мамлакатларнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи мезонлар ҳисобланади [1]. Шунингдек, Й.Шумпетернинг қарашлари бўйича инновацияларнинг жорий қилиниши мамлакат имкониятларини кенгайтириши ҳисобига барқарор ривожланишни таъминлаши орқали унинг рақобатбардошлигини оширади. Бу борада, мумтоз иқтисодчилар қарашларида ҳам рақобатбардошлик тушунчасига алоҳида эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин. Й.Шумпетер рақобат ва рақобатбардошликни эскиси билан янги, инновацияни кураши сифатида талқин этган[2].

Демак, классик иқтисодчилар рақобатбардошлик масаласига бевосита эътибор қаратишмаган бўлсада, уларнинг қайсидир жиҳатларини тадқиқ қилишган. Шунингдек, улар тадқиқотларида рақобат масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу жиҳатдан, рақобатбардошлик масаласининг муҳим эканлигини, уни нафақат мамлакат балки минтақа даражасида ҳам ўрганишимиз зарур эканлиги келиб чиқади. Чунки, А.Смитнинг мутлоқ устунлик назарияси, Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси товар ёки хизмат турларига мувофиқ баҳоланган. Бунинг натижасида эса мамлакат даражасига баҳо берилган. Шу ўринда, рақобатбардошликни кўлами бўйича таснифий жиҳатларига, яни товар ва хизматлар, соҳа ва тармоқлар, минтақалар бўйича ўрганиш талаб этилади.


Минтақа рақобатбардошлиги назариясига америка иқтисодчиси М.Портер катта ҳисса қўшган. М.Портер фикрича минтақа рақобатбардошлиги мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда ишчи кучи ва капиталдан фойдаланиш бўйича бошқа ҳудудлар билан солиштирилгандаги самарадорлиги, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотда ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келган кўрсаткичда акс этиши ва ривожланиши, дея тавсифлаган[3].

Бу ўринда, минтақада, хусусан Хоразм вилоятида яратилган ЯҲМнинг 2010-2023 йиллар давомида барқарор суръатларда ўсган (1-расм). Жумладан, тадқиқот даври давомида ўртача ўсиш суръати 106,2 фоизга тенг бўлган. Шундай бўлсада, ушбу катталик доимий тебранувчи тенденцияга эга бўлиб, салбий ҳолатларни акс эттирмаган. Мазкур тенденцияга мувофиқ минтақа иқтисодиётига баҳо берилса рақобатбардошлик ижобий ҳисобланади.



1-расм. Хоразм вилоятида яратилган ЯҲМнинг ўсиш суръати, фоизда[4]

Шундай бўлсада, минтақа иқтисодиётини юқоридаги тадқиқотчи олим фикрига мувофиқ рақобатбардошлигини аниқлашда аҳоли жон бошига тўғри келган ЯХМнинг ўсиш суръатини ҳам таҳлил этиш лозим. Ушбу кўрсаткич Хоразм вилоятида 2010-2023 йиллар давомида ўртача 104,5 фоизга тенг бўлган (2-расм). Лекин, тадқиқотнинг айрим даврларида аҳоли жон бошига яратилган ЯХМнинг реал ҳажми пасайиш тенденциясига ҳам эга бўлган. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2020 йилда салбий кўрсаткични ифодалаган. Бунинг сабаби, ушбу даврга келиб коронавирус ҳисобга ишлаб чиқариш фаолиятидаги юз берган узилишлар сабаб бўлган. Демак, минтақа рақобатбардошлигини баҳолашда биргина ЯХМ ёки унинг аҳоли жон бошига тўғри келган ҳажми билан чекланмаслик зарур экан.



2-расм. Хоразм вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келган ЯХМнинг ўсиш суръати, фоизда[5]

Шу ўринда, М.Портернинг минтақа ва бутун мамлакат рақобатбардошлиги тўртта босқич асосида ривожланади, дея билдирган фикри ўринли ҳисобланади: ишлаб чиқариш омиллари асосидаги рақобат; инвестиция асосидаги рақобат; инновация асосидаги рақобат; мамлакат ёки минтақа бойлиги асосидаги рақобат[6].

Фикримизча, М.Портер тадқиқотларида минтақа рақобатбардошлигига омилли ва натижавий жиҳатлар бўйича ёндашилган. Шу билан бирга, натижавий ҳолат асосида минтақанинг ялпи ҳудудий масулоти, аҳоли турмуш даражаси ҳамда самарадорлик қараб ўтилган. Бизга маълумки, натижавий кўрсаткичлар биргина омилар мавжудлиги билан эмас, балки уларни қўллаш технологиясига ҳам бевосита боғлиқдир. Яъни, рақобатбардошликни минтақа даражасида талқин этилганда унинг ташғқи муҳит билан боғлиқлигини ҳам кўриш зарур.

Шу билан бирга, бир гуруҳ тадқиқотларда умумлаштирувчи қарашлар, рақобатбардошликни тўғридан-тўғри иқтисодий ўсиш сифатида талқин қилувчи изанишлар ҳам мавжуд. Жумладан, Бутунжаҳон иқтисодий форуми миллий рақобатбардошликни ўрта муддатларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи институтлар ва мамлакат имкониятлари сифатида тавсифлайди[7]. Ўз навбатида, бошқа бир изланишларда соҳа ва тармоқларнинг рақобатбардошлигини иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида қараб ўтилган[8]. Шунингдек, Ж.Кэнтуэлл фикрича, рақобатбардошлик иқтисодий ўсишни халқаро даражадаги рақобат

муҳитида табақалаштирилган маҳаллий имкониятларини яратиш, дейилган[9]. Фикримизча, мазкур таърифларнинг барчаси бир тарафлама, натижавий жиҳатлар бўйича минтақа ва мамлакат рақобатбардошлигини талқин қилган. Рақобатбардошликни иқтисодийнинг натижавий мезони билан боғлаб тавсифлаганлар. Шундай бўлсада, аксарият тадқиқотларда минтақа рақобатбардошлигини ишлаб чиқариш фаолияти нуқтаи назаридан ўрганишган.

Яъни, Д.Сепик минтақанинг рақобатбардошлиги ҳалқаро бозор талабларига мос товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, юқори барқарор даржадаги аҳоли даромадлари асосида аниқланади деб таърифлаган. Кенг маънода эса, ҳудудни ташқи рақобат учун очганда, ишлаб чиқаришнинг қўллаб-қувватлаш имконияти, деб тавсифлаган[10]. В.Меркушов эса, минтақа рақобатбардошлиги бу ҳудуднинг ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш ҳисобига рақобатдош товар ва хизматлар яратишни таъминлаш, рақобатни амалдаги ҳолатини сақлаш ва янғисини яратиш, халқаро иқтисодий стандартларга мувофиқ аҳоли турмуш даражасини сақлаш имконияти, дея таъриф берган[11]. С.Важенин ва И.Важенина изланишларида минтақа рақобатбардошлиги остида ким ишлаб чиқаради, қандай ишлаб чиқаради, реализация имкониятлари ва олинган натижалар, ўз-ўзини ривожлантириши, янги ишлаб чиқаришни яратиш, янги ресурсларни жалб этиш тарзида қараб ўтилган[12]. Бошқа бир тадқиқотда минтақанинг рақобатбардошлигида унинг табиий ресурс ва хом ашёларга эгаллиги билан бирга улардан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нарх тавсифи, паст фоиз ставкаси, арзон капитал кабилар ҳам қаралади[13].


Шунингдек, бир қатор тадқиқот йўналишларида минтақа рақобатбардошлигини унинг иқтисодий, ижтимоий ва молиявий салоҳияти ҳамда аҳоли турмуш даражаси билан боғлаб талқин қилинган. Жумладан, В.Видяпина минтақа рақобатбардошлиги дейилганда энг аввало ҳудуднинг мавжуд ва фойдаланилаётган рақобат салоҳиятини тушунишни илгари сурган. Юқорида қайд этилган рақобатбардошлик замирида иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг турли тармоқларидаги рақобат устунликлари, ҳудудни амал қилиш шарт-шароитлари, табиий бойликларининг мавжудлиги, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ривожланганлиги ётади, деб ҳисоблайди[14]. И.Данилов фикрича, минтақа рақобатбардошлиги бу аҳоли турмуш даражаси ва мулкдорлар капиталининг юқори даражасини таъминлаш, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш имкониятлари ҳисобланади[15].

Шунингдек, М.Калинина ва Я.Руденколар томонидан берилган тарифда ҳам минтақа рақобатбардошлиги бу ресурслардан самарали фойдаланиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида ҳудуднинг инвестицион фаоллиги ва инновацион салоҳиятини ошириш учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар, дея тавсифланган[16]. Бошқа бир манбада келтирилган таърифга кўра, рақобатбардошлик бу ҳудуд аҳолисига юқори даражадаги турмуш даражасини таъминлаш ва иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларидир[17]. Шу билан бирга, В.Андреев фикрича, минтақа рақобатбардошлиги бу ҳудуд салоҳияти (меҳнат, инновацион, хомашё ва бошқ.)

ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва яшаш сифатини юқори даражага кўтариш имконияти, деб таърифлайди[18].

Демак, юқоридаги изланишларда тадқиқотчилар икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, минтақада мавжуд ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш омиллари ҳамда ресурслар таърифда муҳим мезон сифатида талқин этилмоқда. Лекин, улар фикрида мазкур манабалардан фойдаланиш ҳам назарда тутилган. Бошқа тарафдан эса, ушбу жараён пировард натижада аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилиши илгари сурилмоқда. Бу борада, муаллифлар эътиборидан айрим масалалар четда қолган. Жумладан, минтақа рақобатбардошлиги нисбий тушунча ҳисобланади ва у бошқа минтақаларга нисбатан ҳудуднинг фарқли жиҳатларини ҳам инобатга олиши лозим. Шу жиҳатдан юқоридаги келтирилган таърифларни тўлдириш ва такомиллаштириш лозим.

Шу ўринда, минтақанинг муҳим саналган инвестиция салоҳияти таҳлилинани ҳам қараб ўтамиз. Хоразм вилояти иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар 2010-2022 йилларда ўртача 19 фоизга ўсган (3-расм).



3-расм. Хоразм вилояти иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати, фоизда[19].

Шу ўринда, рақобатбардошликни минтақанинг бошқа ҳудудларга нисбатан устунликлари асосида ўрганилган изланишларни ҳам келтириб ўтамиз. Жумладан, В.Печаткин, С.Салихов, В.Саблина фикрича, минтақа рақобатбардошлиги бу минтақанинг рақобат шароитида бошқа ҳудудларга нисбатан товар ва хизматларни барқарор даражада ишлаб чиқариши ҳамда истеъмол қилишидир[20]. Т.Ускова, А.Барабанов, О.Попова тадқиқотларида минтақа рақобатбардошлигига маҳаллий ресурсларни истеъмол қилувчи субъектлар ҳамда ҳаёт фаолиятида фойдаланиш шарт-шароитлари бўйича ҳудудлардаги кураш сифатида таъриф берилган[21]. И.Фатхутдинов ва П.Панкрухинлар фикрича, минтақа рақобатбардошлиги бу ҳудуднинг товар ва хизматлар бозоридаги рақобатлаша олиши ва мусобақалашини ҳамда рақобат устунликлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари, деб тавсифланган[22]. Рақобатбардошлик тушунчасини И.Бегт ҳам ўз тадқиқотларида кўриб ўтган бўлиб, унинг фикрича, бу минтақанинг ривожланганлик даражаси ва

бошқа минтқалар ривожланиши билан солиштиришдир. У минтақа рақобатбардошлиги ўз манфаатларини бозорда ҳимоя қилишлари билан шаклланади, деб ҳисоблайди. Минтақа рақобатбардошлиги ҳудуднинг жойлашган жойидан, унинг кучли ва кучсиз томонларидан келиб чиқади. Шунингдек, Гарвард университетининг «Field Guide to Business Terms» луғатида рақобатбардошликни товар ва хизматларнинг жаҳон бозорида муваффақиятли рақобатлаша олиши ташкил қилади, дея таъкидланган[23].

Фикримизча, охириги таърифда минтақа рақобатбардошлигига глобаллашув нуқтаи назаридан ёндашилган. Бу ўринда, мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг кенгайиб бориши билан минтақаларнинг ҳам тўғридан-тўғри халқаро бозорларга чиқиш имконияти яратилади. Бу эса, минтақанинг нисбий устунликларидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Мазкур ҳолатни Хитой тажрибаси асосида ҳам айтиб ўтишимиз мумкин. Яъни, минтақалар ўзларидаги нисбий устунликлар ҳисобига нафақат мамлакат ичида балки ташқи бозорларда ҳам ихтисослашади.

Жумладан, юқоридаги йўналишдаги таърифни Ш.Назаров ва Э.Якубовалар томонидан келтирилган. Жумладан, улар изланишларида минтақа рақобатбардошлиги дейилганда жаҳон ҳамжамиятига интеграция муносабатлари ривожланишининг ички ва ташқи омиллар таъсирига боғлиқ равишда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тушунилади[24].

Юқоридаги тадқиқотларни умумлаштириш асосида хулоса қилиб айтсак, минтақа рақобатбардошлиги бўйича келтирилган фикрларни қуйидаги тарзда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Изланишлар асосида берилган таърифларни 4 йўналишда таснифлаймиз. Жумладан, биринчи йўналишга ишлаб чиқаришга устуворлик қаратилган изланишларни киритамиз (В.Печаткин, С.Салихов, В.Саблина, Т.Ускова, А.Барабанов, О.Попова, И.Фатхутдинов, П.Панкрухин, И.Бегт). улар келтирган таърифда устуворлик ишлаб чиқариш жараёнига қаратилган бўлиб, ушбу жараён тўғридан тўғри минтақа рақобатбардошлигига боғлиқдир. Иккинчи йўналишда минтақа рақобатбардошлиги ишлаб чиқариш омилларига эғалиги ва улардан фойдаланиш бўйича қараб ўтилган (М.Портер, В.Меркушов, С.Важенин, И.Важенина). Мазкур тадқиқотларда муаллифлар минтақада мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни назарда тутганлар. Минтақа рақобатбардошлигига ташқи муҳит ва унга интеграция бўлиш йўналишида ҳам таърифлар бериб ўтилган бўлиб (Д.Сепик, Ш.Назаров, Э.Якубова), унда ҳудуд имкониятларидан фойдаланиш ва рақобат устунликлари глобализациялашув нуқтаи назаридан қаралган. Тўртинчи йўналишда минтақа рақобатбардошлигига аҳоли турмуш даражаси ўзгаришига устуворлик қаратилган (А.Воротников, И.Данилов, М.Калинина, Я.Руденко, В.Андреев, З.Данилов, Ю.Жамьянова). Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқамиз: минтақа рақобатбардошлиги бу ҳудуд эғалик қиладиган ва жалб этиши мумкин бўлган ресурслар, улардан фойдаланиш даражаси ҳисобига мамлакат ва халқаро даражада бошқалардан нисбий устунлиги орқали ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ўсиши.

Минтақа рақобатбардошлиги бўйича амалга оширилган изланишларда турли йўналишлар кесимида тадқиқотлар олиб борилган. Фикримизча, улар ичидан устуворлик қаратилган йўналишни ҳам аниқлашимиз зарур. Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида, қарашлар ичида устуворлик аҳоли турмуш даражаси (6●/0○), ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги (1●/6○) ҳамда ишлаб чиқариш жараёни (5●/1○) ҳисобланар экан (1-жадвал).

1-жадвал

Минтақа рақобатбардошлиги бўйича замонавий қарашлар таснифи

Муаллифлар Ф.И.Ш.	Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш омиллари	Омиллардан фойдаланиш натيجавийлиги	Аҳоли турмуш даражаси	Ташқи муҳит	Иқтисодий салоҳият	Интеграция
М.Портер	.	●	●				
Д.Сепик	●				○		
В.Меркушов			●	●			
С.Важенин, И.Важенина		○	●				○
А.Воротников				●		●	
И.Данилов	○			●		○	
М.Калинина, Я.Руденко		○	○	●		●	
В.Андреев				●			
З.Данилов, М.Жамьянова				●		●	
В.Печаткин, С.Салихов, В.Саблина	●						
Т.Ускова, А.Баробанов, О.Попова	●						
И.Фатхутдинов, П.Панкрухин	●	○					
И.Бегт	●	○					
Ш.Назаров		○			●		●
Э.Якубова		○			●		●
Жамланма таҳлил	5●/1○	1●/6○	3●/1○	6●/0○	2●/1○	3●/1○	2●/1○

Изоҳ: ● – муаллиф билдирган таърифида юқори устуворлик қаратилган мезон; ○ – муаллиф билдирган таърифида ёндош мезон.

Демак, минтақа рақобатбардошлигини ривожлантириш учун биринчи навбатда ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш зарур экан. Чунки,

минтақада ишлаб чиқариш омилларига эгаллиги эмас, улардан фойдаланиш жараёни худудда ташкил қилинган тадбиркорлик фаолияти муҳим. Бу эса, минтақа иқтисодийети ривожланишини, иш ўринлари кенгайиши ва аҳоли даромади орттишини ва турмуш даражасининг ўсишини таъминлайди. Шу боис, минтақада мавжуд омиллар ҳамда хом ашёга алоҳида эътибор қилиш лозим. Улар минтақанинг рақобат устунлигини, фойдаланиш даражаси эса рақобатбардошлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Анисимова О.С. Аграрная политика и стратегия развития сельских территорий: опыт стран ЕС / Анисимова О.С. // Никоновские чтения. - М.: МСХА им. К. А. Тимирязева, 2011. - №16. - С. 209 - 210; 3. Винокурова М.В. Повышение конкурентоспособности региона: кластерный подход: монография / М.В. Винокурова. - Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2009. - 203 с.; Калюжнова, Н.Я. Конкурентоспособность регионов в условиях глобализации: монография / Н.Я. Калюжнова. - М.: ТЭИС, 2003. - 526 с.; Кузнецова Э.Р. Устойчивое развитие сельских территорий: теория, региональная практика: монография / Э.Р. Кузнецова, Е.Н. Мякшин. - Пермь: ФГБОУ ВПО «Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте российской федерации» Пермский филиал, 2015 - 100 с.; Перский, Ю.К. Конкурентоспособность регионов: теоретико-прикладные аспекты: монография / Ю.К. Перский, Н.Я. Калюжнова. - М.: ТЕИС, 2003. - 472 с.; Портер М.Е. Экономическое развитие регионов / М.Е. Портер // Пространственная экономика, 2007. - №1. - С. 109; Портер, М. Конкуренция: пер. с англ. / М. Портер. - М.: Вильямс, 2006. - 608 с.; Чайникова Л.Н. Методологические и практические аспекты оценки конкурентоспособности региона: монография / Л.Н. Чайникова. - Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2008. - 148 с.; WEF. Global Competitiveness Report 2009. Oxford University Press for the World Economic Forum, New York, 2010. - Режим доступа: www.weforum.org; Шумпетер Й. Теория экономического развития [Текст] : пер. с нем. / Й. Шумпетер. - М.: Прогресс, 1982. - 455 с.
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития [Текст] : пер. с нем. / Й. Шумпетер. - М.: Прогресс, 1982. - 455 с.
3. Портер М.Е. Экономическое развитие регионов / М.Е. Портер // Пространственная экономика, 2007. - №1. - С. 109; Портер, М. Конкуренция: пер. с англ. / М. Портер. - М.: Вильямс, 2006. - 608 с.
4. Хоразм вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
5. Хоразм вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
6. Портер М. Международная конкуренция: пер. с англ. М. : Международные отношения. 2004. 896 с.
7. World Economic Forum (2017). Global Competitiveness Report 2017-2018. URL: <http://www3.weforum.org/docs/GCR2017-2018/05FullReport/TheGlobalCompetitivenessReport2017%E2%80%932018.pdf> (Дата обращения: 10.06.2019)
8. Медведева С.Н., Павлюк В.П. Применение экономико-математического моделирования в оценке конкурентоспособности предприятий туриндустрии. Statistics and Economics τ V. 17. № 6. 2020. <http://dx.doi.org/10.21686/2500-3925-2020-6-43-53>.
9. Cantwell, J., 2003, 'Innovation and Competitiveness', in J. Fagerber, D.C.Mowery and R.R. Nelson (Eds.), The Oxford Handbook of Innovation, Oxford: Oxford University Press, 2005, 543-567.

10. Сепик Д. Конкурентоспособность регионов: некоторые аспекты / Д. Сепик. - М.: РЕЦЭП, 2005. - 45 с.
11. Меркушов В. В. Интегральная оценка конкурентоспособности регионов / В. В. Меркушов. URL: <http://sopssecretary.narod.ru>.
12. Важенин С.Г., Важенина И.С. Идентификация и оценка территориальной конкуренции // Экономика региона. 2012. № 1. С. 29–41.
13. Методологические основы взаимосвязи развития конкурентоспособности экономики регионов. Международной научно-практической конференции на тему «индустриализация страны и обеспечение устойчивого развития экономики» (ДУШАНБЕ, 27 ФЕВРАЛЯ 2020 ГОДА).
14. Видяпина В.И, М.В. Степанова. Региональная экономика.– М.: ИНФРА-М, 2007.- 344 с.
15. Данилов И.П. Конкурентоспособность регионов России. Теоретические основы и методология. Монография. Канон+РООИ "Реабилитация". 2007. 368 с.
16. Калинина М. И., Руденко Я. Ю. Анализ конкурентоспособности регионов Северо-западного федерального округа //Петербургский экономический журнал. № 1, 2017. С. 124-130.
17. Кметь Е.Б. Методический подход к оценке конкурентоспособности приграничных территорий // Территория новых возможностей. Вестник Владивостокского государственного университета экономики и сервиса. 2017. т. 9. № 1. с. 50–67.
18. Андреев В. Е. Конкурентоспособность региона и методика ее оценки // Экономика и жизнь. 2005, №12. С.3-10.
19. Хоразм вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
20. Печаткин В. В., Салихов С. У., Саблина В. А. Рейтинговая оценка конкурентоспособности регионов России. – Уфа : Ин-т социально-экономических исследований Уфимского научного центра РАН, 2004.
21. Ускова Т.В., Барабанов А.С., Попова О.И. Производственные кластеры и конкурентоспособность региона: монография. Вологда: ИСЭРТ РАН, 2010. 246 с.
22. Кметь Е.Б. Методический подход к оценке конкурентоспособности приграничных территорий // Территория новых возможностей. Вестник Владивостокского государственного университета экономики и сервиса. 2017. т. 9. № 1. с. 50–67.
23. Кузнецова Э.Р., Радостева Э.М. Сущность и экономическое содержание понятия «конкурентоспособность региона» // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 7, №5 (2015) <http://naukovedenie.ru/PDF/60EVN515.pdf>. DOI: 10.15862/60EVN515.
24. Назаров Ш., Якубова Э. Сравнительная оценка конкурентоспособности регионов Узбекистана, Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития: материалы V Форума экономистов/ Ташкент.-2013.- 409 с.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

